

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БАБАХОДЖАЕВА НАРГИЗА МУХИТДИНОВНА

**ОЛИЙ ТАЪЛИМДА АЛГОРИТМЛАР НАЗАРИЯСИ ФАНИНИ
ЎҚИТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ МЕТОДИКАСИ
(Амалий математика ва информатика таълим йўналиши мисолида)**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (информатика)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Термиз – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Бабаходжаева Наргиза Мухитдиновна

Олий таълимда алгоритмлар назарияси фанини ўқитишни
такмиллаштиришда ахборот технологияларини қўллаш методикаси (амалий
математика ва информатика таълим йўналиши
мисолида).....5

Бабаходжаева Наргиза Мухитдиновна

Методика использования информационных технологий в совершенствовании
преподавания предмета теория алгоритмов в высшем образовании (на
примере направления образования прикладная математика и
информатика).....25

Babakhodjaeva Nargiza Mukhitdinovna

Methods of using information technologies in improving the teaching of the
subject theory of algorithms in higher education (on the example of the direction of
education applied mathematics and computer
science).....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published

works.....51

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ Ph.D.03/30.12.2019.Ped.78.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БАБАХОДЖАЕВА НАРГИЗА МУХИТДИНОВНА

**ОЛИЙ ТАЪЛИМДА АЛГОРИТМЛАР НАЗАРИЯСИ ФАНИНИ
ЎҚИТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ МЕТОДИКАСИ
(Амалий математика ва информатика таълим йўналиши мисолида)**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (информатика)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Термиз – 2021

Фалфаса доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.1.PhD/Ped1334 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Термиз давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.terstu.uz) ҳамда "Ziyonet" ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Нормуродов Чори Бегалиевич**
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Аллаков Исмоил**
физика-математика фанлари доктори, профессор

Назирова Элмира Шодмоновна
техника фанлари доктори (DSc), доцент


Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон Миллий университети**


Диссертация химояси Термиз давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "28" 09 куни соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (манзил: 190111, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 43-уй. Тел.: (376) 221-74-55; факс: (376) 221-71-17; e-mail: termizdu@umail.uz).


Диссертация билан Термиз давлат университетининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (24 рақам билан рўйхатга олинган). 190111, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 43-уй. Тел.: (376) 221-74-55.

Диссертация автореферати 2021 йил "17" 09 куни тарқатилди.
(2021 йил "17" 09 даги 10- рақамли реестр баённомаси)



**И. Т. Чорнев**
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**М. Қ. Бозорова**
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, п.ф.н., доцент

**Х. Ж. Худойкулов**
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, п.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда замонавий ахборот технологияларининг шиддат билан ривожланиб, жамият ҳаётининг барча жабҳаларига кириб келиши информатика ва ахборот технологиялари соҳаси бўйича юқори малакали, рақобатбардош мутахассисларини тайёрлаш масаласини кўндаланг қўймоқда. Илмий-техник тараққиёт ютуқларини ақс эттирувчи таълим соҳаси алоҳида мамлакатлар ва бутун инсониятнинг келажагини таъминловчи омил бўлиб, жамият тараққиётини жадаллаштирувчи, илгари бошловчи куч бўлиб ҳисобланади. Таълим тизимининг тобора ривожланиб бориши, индивидуллаштирилиши, ўқув мақсадларининг жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишига мос ҳолда ўзгариб бориши ўқув жараёнини ташкил этиш шакллари мукамаллаштириш, уни янги педагогик ва ахборот технологиялари асосида ташкил этишга эҳтиёж туғдирмоқда.

Жаҳон таълим тизимида ахборот технологиялари билан боғлиқ мутахассисликлари учун олий таълим дастурларининг муҳим таркибий қисми бўлган алгоритмлар назарияси фанини ривожлантириш ва уни ўқитиш самарадорлигини ошириш масалалари бўйича илмий тадқиқот ишларига катта эътибор қаратилмоқда. Бунда АКШ (Stanford University, The University of California, Massachusetts Institute of Technology, Princeton University), Канада (University of Toronto), Нидерландия (Centrum Wiskunde & Informatica), Швейцария (Swiss Federal Institute of Technology in Zurich) олий таълим муассасалари алоҳида ўрин тутуди. Шунингдек, ҳамдўстлик давлатлари, хусусан, Россия (Москва давлат университети, Москва давлат педагогика университети, Саратов давлат университети, Челябинск давлат университети) олий таълим муассасаларида алгоритмлар назарияси фани мазмуни ва уни ўқитиш методикасига оид илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда таълим тизимини ривожлантириш, уни замон талаблари билан уйғунлаштиришда мутахассис кадрларни тайёрлаш жараёни ислохотлар талаблари билан чамбарчас боғланган бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек, "...Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз. Бунинг учун, авваламбор, ташаббускор ислохотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур."¹ Шу ўринда ахборот технологиялари соҳасидаги таълим йўналишлари талабаларининг мутахассислик фанларини ўзлаштириш сифати алгоритмлар назарияси фани бўйича билим, малака-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси/Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь. № 19 (7521),– б.3.

кўникмаларни эгаллаш даражаси билан боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда, информатиканинг назарий асосини ташкил этувчи ушбу фаннинг ўқув-методик таъминотини такомиллаштириш, ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологияларни қўллашга оид тадқиқотларни ривожлантириш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, шунингдек, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775 сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2020 йил 6 октябрдаги ПҚ-4851-сон “Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларни IT-индустрия билан интеграция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлашда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йилларда кўпгина хорижий мамлакатлар ва Ўзбекистон Республикасида таълим тизимида замонавий ахборот ва педагогик технологияларни жорий этиш соҳасида, таълимни ахборот технологиялари асосида ташкил этиш ва такомиллаштиришга бағишланган кўплаб илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ривожланган давлатларда амалга оширилган бу борадаги салмоқли ишлар S. Papert, R. Williams, C. Maclean, J. Wellingtonларга тегишли. D. Knuth, N. Wirth, E. Dijkstra, A. Aho, J. Hopcroft, J. McConnell, T.H. Cormen, S.S. Skiena R. Sedgewick, J. Erickson, Y.N. Moschovakis каби олимларнинг илмий изланишлари назарий информатика, алгоритмлар ва уларнинг таҳлили масалаларига оид. Алгоритмлаш, алгоритмлар ва уларнинг мураккаблиги соҳасига тегишли фанларни ўқитишда педагогик дастурий воситалар ва мажмуалардан фойдаланиш масалалари J. Capacho, X. Zhang, P.Scheffler, F. Alhosban, P. Crescenzi, S.R. Hansen, P. Vobornik, L. Brandao каби тадқиқотчиларнинг ишларида ўрганилган.

Ҳамдўстлик давлатларида ахборот-таълим муҳитини ривожлантириш бўйича О.Б. Тыщенко, Ю.С. Брановский, Н.И. Рыжова, А.Г. Абросимов,

И.В.Робертлар илмий-тадқиқот ишлари олиб боришган. П.И. Образцов, О.В.Зиминова, Л.Х.Зайнутдиноваларнинг илмий изланишлари электрон педагогик воситалар яратишнинг асосий тамойилларини ишлаб чиқишга қаратилган. И.А.Бубенщикова, А.А.Сушенцов, Н.Г.Семенова, А.Х.Давлетоваларнинг тадқиқотлари алоҳида фанлар бўйича дастурий-методик мажмуа(ДММ)лар яратиш ва уларни таълим жараёнида қўллаш масалаларига бағишланган. Алгоритмлар назарияси фанини ўқитиш назарияси, амалиёти ва методикаси масалалари бўйича В.Л. Матросов, В.И.Игошин, И.Д.Колдунова, А.В.Голанова, Е.Н.Бобоновалар шуғулланишган.

Ўзбекистонда фан-техника, бошқарув соҳаларида алгоритмлашни қўллаш ва кибернетика масалаларига тадбиқ этиш В.Қ.Қобулов, Ш.А.Назиров, Х.А.Акрамов, Э.Ёқубовларнинг илмий тадқиқотларида ўрганилган. Таълимни компьютерлаштириш ва ахборот технологияларини ўқув жараёнига жорий этиш масалаларига М.М. Арипов, У.Ш. Бегимкулов, Н.И. Тайлақов ва бошқа олимларнинг тадқиқотлари бағишланган. Педагогик дастурий воситалар ва электрон ўқув-методик адабиётлар яратиш муаммолари Н.А. Муслимов, А.А. Абдуқодиров, Ф.М. Закирова, М.Н. Цой А.Ф. Ҳайитовларнинг илмий тадқиқотларида кўтарилганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. М.Х. Алламбергенова, Х.Э. Тангиров, Д.Н. Ашуроваларнинг тадқиқотларида электрон ўқув-методик мажмуалар ва уларни таълим жараёнида қўллаш масалалари ўрганилган.

Юқорида келтирилган ҳамда шу соҳага тегишли бошқа тадқиқотларда алгоритмлар назарияси фанини ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланилган ҳолда ўқитишнинг методик тизимларини ишлаб чиқишга эътибор қаратилмаганлиги, фан ўқитилувчи мутахассисликларнинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинмаганлиги, ахборот-коммуникация технологияларининг ушбу фанни ўқитиш сифатига таъсири етарли даражада ўрганилмаганлиги бу соҳага оид илмий тадқиқотлар олиб бориш заруриятини тақозо этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Термиз давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №А-1-2019-20 “Қасбга йўналтириш, қайта тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш ўқув ишлаб чиқариш тизимида миллий, анъанавий базани ҳамда ушбу йўналишда таълим бериш жараёнининг амалий-услубий асосларини яратиш” банди доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади олий таълимда алгоритмлар назарияси фанини ўқитишни ахборот технологияларига асосланган дастурий-методик мажмуа воситасида такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

хорижий давлатлар ва мамлакатимизда алгоритмлар назарияси фани бўйича ДММ лар яратиш ҳолатини ўрганиш, таҳлил қилиш ва ундан олий таълимда фойдаланишнинг психологик-педагогик жиҳатларини асослаш;

алгоритмлар назарияси фани бўйича ахборот технологияларига асосланган ДММ яратиш;

алгоритмлар назарияси фани бўйича ахборот технологияларига асосланган ДММдан ўқув машғулотлари, талабалар мустақил таълимида ва билимларини назорат қилишда қўллаш методикасини ишлаб чиқиш;

алгоритмлар назарияси фани бўйича ахборот технологияларига асосланган ДММни таълим жараёнида қўллаш самарадорлигини педагогик тажриба-синов орқали текшириб кўриш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида олий таълим муассасаларида алгоритмлар назарияси фанини ахборот технологиялари асосида ўқитиш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Термиз, Самарқанд, Урганч ва Қорақалпоқ давлат университетларининг 882 нафар талабалари жалб қилинган.

Тадқиқотнинг предметини олий таълимда алгоритмлар назарияси фанини ўқитишни такомиллаштиришда ахборот технологияларини қўллаш шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Муаммога оид илмий, методик, психологик-педагогик адабиётлар ва манбалар таҳлили; педагогик кузатув, танқидий-қиёсий таҳлил, натижаларни умумлаштириш, педагогик тажриба-синов; математик-статистик таҳлил қилиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

алгоритмлар назарияси фани бўйича ДММнинг таълим сифати ва интенсивлигини оширишга, талабалар тадқиқотчилик ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган янги компонентлар (алгоритмлар кутубхонаси, электрон кутубхона, файлли архив) воситасида такомиллаштирилган, гипермедия ва дастурлаш технологиялари интеграцияси асосидаги (асосий контент ва дастурий қобик) инновацион модели ва дастурий таъминоти ишлаб чиқилган;

алгоритмлар назариясининг формал ҳисоблаш моделлари (Тьюринг-Пост машиналари ва Марковнинг нормал алгоритмлари) ва уларнинг эмуляторлари учун талабаларда алгоритмик, мантиқий фикрлаш қобилиятларини шакллантиришга қаратилган ўқув масалаларини энтропик ёндашув бўйича лойиҳалаш алгоритми ишлаб чиқилган ҳамда амалий машғулотлар ўқув-методик таъминоти ушбу алгоритм асосида яратилган вазифа-топшириқлар воситасида ривожлантирилган;

алгоритмлар эмуляторлари методик таъминоти алгоритмлар моҳиятининг талабалар томонидан мукамал ўзлаштирилишини таъминлаш мақсадида яратилган “Саралаш алгоритмлари эмулятори” иловаси имкониятига кирувчи алгоритмларнинг вақт бўйича мураккаблигини аниқлаш ва самарадорлигини қиёсий таҳлил қилиш функциялари ҳамда алгоритмлар (оддий алмаштириш, ўрнига қўйиш, бирлаштириб саралаш, тезкор ва пирамидали саралаш) ишини бошланғич берилганларнинг асосий комбинациялари (сараланмаган, тескари тартибда сараланган, қисман сараланган массивлар) учун визуаллаштирувчи интерфаол бошқариладиган анимациялар модули воситасида ривожлантирилган;

талабалар мустақил ишини ташкил этиш шакллари алгоритмлар назарияси фани бўйича ишлаб чиқилган ижодий топшириқларни (web-квест ҳисобот, лойиҳа-топшириқ, гиперматнли қўлланма, берилганлар базаси, интерфаол глоссарий) таълимда қўллашнинг фанлараро боғланишни амалга ошириш, талабаларда ахборот маданиятини (маълумотларни саралаш, уларнинг аҳамиятли жиҳатларини белгилаб олиш, соҳаларга ажратиш, софлигига нисбатан муносабат билдириш, ғоявий асосларини аниқлаш, маълумот манбаини топиш қобилиятлари) ривожлантириш хусусиятига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

саралаш алгоритмлари ишини визуаллаштирувчи, берилган бошланғич қийматлар учун алгоритм мураккабликларининг қиёсий таҳлилини бажарувчи “Саралаш алгоритмлари эмулятори” яратилган (DGU 09113);

олий таълим муассасаларида алгоритмлар назарияси фани бўйича ўқув жараёни самарадорлигини оширишга қаратилган ахборот технологияларига асосланган ДММ ишлаб чиқилган ва дастурий таъминот яратилган (DGU 09777).

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий анжуман материаллари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган журналларда ва хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, яратилган дастурий-методик мажмуанинг амалиётга жорий этилганлиги, тажриба-синов ишларининг таҳлили ва самарадорлиги математик статистика методлари воситасида асосланганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти назарий жиҳатдан асосланган таклифлар, тавсия этилган дидактик ишланмалар асосида талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш, мустақил изланишга, янги материални ўрганиш ва мустақамлаш, билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга имконият яратувчи ахборот технологияларига асосланган ДММлардан фойдаланиш методикасини такомиллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим тизимида алгоритмлар назарияси фанининг мазмунига мос замонавий ўқув - методик таъминот яратиш, ўқув жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш методларининг таълим сифатини таъминлаш ҳамда самарадорликка эришишга хизмат қилиши, ДММнинг таркибий тузилмасига, уни яратишга қўйиладиган асосий психологик-педагогик талаблардан, шакл ва технологиясидан умумтаълим мактаблари, олий ва ўрта-маҳсус таълим муассасалари, шунингдек, ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари таълим жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олий таълимда алгоритмлар назарияси фанини ўқитишни ахборот технологияларига

асосланган дастурий-методик мажмуа яратиш ва уни таълим жараёнида қўллаш воситасида такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар асосида:

алгоритмлар назарияси фанини қўллаб-қувватловчи, янги компонентлар (алгоритмлар кутубхонаси, электрон кутубхона, файлли архив) воситасида такомиллаштирилган, гипермедия ва дастурлаш технологиялари интеграцияси асосидаги ДММнинг инновацион модели ва дастурий таъминотини ўқитишда қўллаш методикаси Термиз, Самарқанд, Урганч ва Қорақалпоқ давлат университетлари таълим жараёнида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 декабрдаги 89-03-5143-сон маълумотномаси). Натижада таълим сифати ва интенсивлигини оширишга, талабалар тадқиқотчилик ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга эришилган;

ДММ таркибидаги формал ҳисоблаш моделлари (Тьюринг-Пост машиналари ва Марковнинг нормал алгоритмлари) ва уларнинг эмуляторлари учун энтропик ёндашув бўйича лойиҳалаш алгоритми асосида ишлаб чиқилган вазифа-топшириқларнинг машғулотлар жараёнида қўлланилиши натижасида талабаларнинг фанни ўрганишга бўлган қизиқишлари ортган, ўзлаштириш кўрсаткичларининг кўтарилишига эришилган ҳамда саралаш алгоритмлари ишини визуаллаштирувчи ва самарадорлигини қиёсий таҳлил қилувчи “Саралаш алгоритмлари эмулятори” дастури яратилган (DGU 09113) (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 декабрдаги 89-03-5143-сон маълумотномаси). Натижада “Саралаш алгоритмлари эмулятори” дастурининг алгоритмлар мураккаблигини аниқлаш ва самарадорлигини қиёсий таҳлил қилиш функциялари ҳамда алгоритмлар ишини визуаллаштириш имкониятларидан ўқув жараёнида фойдаланиш натижасида замонавий ахборот технологияларини самарали қўллаш, талабалар билиш фаолиятини фаоллаштиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича чоп этилган асосий илмий ишлар сони 29 та, шулардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган нашрларда 7 та, жумладан, 2 та хорижий ва 5 та республика илмий журналларид чоп этилган. Шунингдек, тадқиқот доирасида 1 та монография нашр қилинган ва 2 та ЭҲМ учун дастур яратилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, уч боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 123 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертация мавзусига оид илмий тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, ишнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижаси, натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги ва ишнинг тузилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

“Алгоритмлар назарияси фанини ўқитишни такомиллаштиришда ахборот технологияларидан фойдаланишнинг аҳамияти” деб номланган биринчи бобда алгоритмлар назарияси фанининг назарий информатиканинг асоси сифатидаги аҳамияти, ахборот технологиялари соҳасидаги мутахассисларни тайёрлашдаги ўрни таҳлил қилиниб, унинг келажақдаги касбий фаолияти компьютерлар, информатика, ахборот технологиялари билан боғлиқ бўлган таълим йўналишларида ўқитилиш самарадорлигини ошириш зарурлиги, таълим жараёнидаги муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари кўрсатилган. Ушбу фаннинг дастурлаш назарияси ҳамда амалиётга тааллуқли бўлган тадбиқларини ўзида мужассамлантирган методик тизимини яратиш эҳтиёжининг мавжудлиги асосланган. Шу билан бирга амалий математика ва информатика бакалавр таълим йўналишининг фаолият кўрсатиш соҳалари ва уларга қўйилувчи малака талаблари асосидаги таҳлили келтирилган. Алгоритмлар назарияси фанининг амалий математика ва информатика бакалавр таълим йўналиши бўйича мутахассислик фанлари тизимидаги ўрни, мазмуни баён қилинган. Шунингдек, алгоритмлар назарияси фанини ўқитиш жараёнидаги ўзига хос хусусиятлар кўрсатилиб, таълим сифатини оширишда ахборот технологияларини қўллаш имкониятлари тавсифланган.

Алгоритмлар назарияси фундаментал фанлар қаторига кириб, информатика соҳаси билан боғлиқ йўналишлар бўйича бакалаврлар тайёрлаш тизимида муҳим аҳамият касб этади. Амалий математика ва информатика таълим йўналиши ўқув режасига кирувчи Дастурлаш асослари, Дискрет математика ва математик мантик, Математика ва информатика ўқитиш усуллари, Амалий масалаларни математик моделлаштириш, Тизимли ва амалий дастурлаш, Программа маҳсулотларни яратиш технологиялари, Ахборотларни ҳимоялаш, Web га йўналтирилган дастурлаш, ҳисоблаш усуллари ва бошқа фанларни ўзлаштиришда талабалар алгоритм, алгоритмик жараён, алгоритмлаш, алгоритмик ечимлилик, ҳисобланувчи функция, дастурлаш, кодлаш, символли ахборот, алгоритмик ечим каби тушунчаларга таянадилар. Алгоритмлар назарияси фанига турдош фанларнинг муваффақиятли ўзлаштирилиши кўп жиҳатдан унинг назарий асосларига боғлиқ. Бу борада давлат таълим стандарти талабларига мос юқори даражадаги предмет компетентлигини таъминловчи алгоритмлар назарияси

фанини ахборот технологияларига асосланган ДММ воситасида ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш муаммоси ўз долзарблигини намоён этади.

ДММ – гипермедиа технологияси асосида яратилган ўқув-методик модуль ва қўшимча модуллар (алгоритмлар кутубхонаси, алгоритмлар эмуляторлари, тест дастурлари, электрон кутубхона глоссарий, файлли архив) дан ташкил топган бўлиб, яхлит электрон муҳит ва умумий бошқарув тизимига эга бўлган дастурий маҳсулотдир. Алгоритмлар назарияси фанини ўқитишда ахборот технологияларини қўллаш методикаси фан мазмунининг сифатли ўзлаштирилишини таъминловчи ДММ таркибидаги визуаллаштирилган ўқув материалларидан фойдаланишга асосланади. ДММ фан бўйича мазмун ва шакл жиҳатдан турлича ўқув материални тақдим этиб, ҳам ўқитиш, ҳам ахборот технологияларидан фойдаланиш воситаси сифатида таълимда гипермедиа воситаларини самарали қўллаш имкониятини яратади. Алгоритмлар назарияси фани бўйича яратилган, таркибида турли форматдаги электрон материалларни уйғунлаштирувчи яхлит дастурий маҳсулот бўлган ДММ, ушбу фанни ўқитиш жараёнида қўйиладиган барча педагогик вазифалар ечимига эришишнинг самарадор воситаси бўлиб ҳисобланади.

“Алгоритмлар назарияси фани бўйича дастурий-методик мажмуа яратиш ва уни таълим жараёнида қўллаш методикаси” номли иккинчи бобда алгоритмлар назарияси фани бўйича мавжуд ўқув-методик таъминот таркиби таҳлил қилинган. Ушбу фан бўйича таълим жараёнида фойдаланишга тавсия қилинган дарслик, ўқув қўлланма ва электрон таълим ресурслари тавсифи келтирилган. Алгоритмлар назарияси фани бўйича ўқув-методик таъминотда мавжуд камчиликлар кўрсатилиб, унинг таркибини инновацион ДММ яратиш воситасида такомиллаштириш зарурати асосланган. Алгоритмлар назарияси фани бўйича ДММ мазмуни ва таркибига қўйиладиган умумий методик, дидактик, психологик ва маҳсус талаблар кўрсатиб берилган. Ушбу талаблар асосида яратилган ДММ ни ўқув жараёнига тадбиқ этишнинг ўзига хос хусусиятлари ва афзалликлари асосланган. Жумладан, янги ахборот технологиялар асосидаги ДММ куйидаги жиҳатларга эга бўлиши лозим:

тизимлилик – дастурий муҳитнинг алоҳида олинган фанни ўқитишда зарур бўлган дастурий-методик воситаларнинг тугалланган мажмуасидан иборат бўлиши;

янги дидактик сифатлилик – ўқув материалнинг мультимедиа воситалари ёрдамида максимал визуаллаштирилиши ва таълим олувчилар билан дастурий таъминот ёрдамида интерфаол мулоқотни ташкил этишда вужудга келувчи принципаал янги дидактик сифат касб этиши;

кўпфункционаллик – ишлаб чиқилган дидактик воситалардан таълимнинг турли шаклларида, техник воситаларнинг турли конфигурацияларида фойдаланиш имкониятига эга бўлиши;


юқори адаптивлик – турли таълим муассасаларида яратилган ва нашр этилган дарсликлар ва ўқув қўлланмаларига асосланган ҳолда ўқитувчи учун

мажмуа компонентларини ўз эҳтиёжлари асосида ўзгартириб, янгилаб туриш имкониятининг мавжудлиги.

Алгоритмлар назарияси фани бўйича ДММ нинг таркиби ва уни яратиш босқичлари қуйидагича тавсифланган: ДММ компонентлари алоҳида бўлим (блок)ларга ажратилади ва ўзаро боғланади. Буларга меъёрий ҳужжатлар, гиперматнли маъруза матнлари, тақдимотлар, амалий машғулотлар учун услубий кўрсатмалар, мустақил иш учун материаллар, тест дастурлари, алгоритмлар эмуляторлари, алгоритмлар кутубхонаси, глоссарий ва файлли архив киради. ДММни ишлаб чиқиш жараёни бир неча босқичлардан иборат:

1. ДММга кирувчи ўқув-методик материалларнинг мазмунини танлаш ва ҳажмини белгилаш.
2. ДММнинг дастурий таъминотини яратиш технологиясини танлаш.
3. Дастурий мажмуанинг структурасини ишлаб чиқиш (1-расм).
4. Ишлаб чиқилган структура асосида саҳифаларга жойлаштирилувчи ўқув-методик материалларни бирламчи тайёрлаш.
5. Дастурий мажмуани якуний шакллантириш.


Алгоритмлар назарияси фани бўйича ДММ нинг дастурий қобиғи Delphi 7 визуал дастурлаш муҳитида яратилган. Тадқиқот иши доирасида яратилган ДММнинг тузилиши алгоритмлар назарияси фани хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, бошқа ДММлардан фан дастури бўйича барча асосий мавзуларни қамраб олганлиги, ҳам назарий, ҳам амалий машғулотлар учун янги дастурий компонентлар билан бойитилганлиги жиҳатидан фарқ қилади. Масалан, И. А. Бубенщикова (Астрахань давлат университети) муаллифлигида яратилган математик моделлаштириш фани бўйича ДММ табиий фанларнинг математик моделлари бўлими бўйича тажриба машғулотлари учун компьютер моделлари, услубий қўлланма ва шу бўлимга доир билимларни назорат қилиш тест топшириқларидан иборат. Д. Н. Ашурова (Ўзбекистон Миллий университети) муаллифлигидаги алгебра ва сонлар назарияси фани бўйича яратилган ДММ таркибига фан дастури, ишчи ўқув дастури, электрон маърузалар, тестлар, глоссарий ва видеолавҳалар киритилган. Алгоритмлар назарияси фани бўйича яратилган ахборот технологиялари асосидаги ДММ ни таълим жараёнида қўллаш методикасининг асосини назарий, амалий машғулотлар, мустақил таълим ва билимларни ўзлаштириш даражасини назорат қилиш жараёнида қўллаш учун махсус ишлаб чиқилган компонентлар тизимини қўллаш модели ташкил этади (2-3-расмлар). Бу моделга асосан, таълим жараёнида машғулот тури, мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб, дарсда қўллаш учун ДММнинг мос компонентлари танланади. Масалан, назарий машғулотлардаги маъруза жараёнида намоиш қилинувчи саҳифалар кўргазмалиликни (тасвир, схема, жадвал кабиларни намоиш қилиш) таъминлашдан ташқари, ўқув материалларининг гиперматнли тузилмаси бошқа мавзуга оид материалга тезкор ўтиш, мавзуга оид амалий топшириқлар ёки қўшимча манбадан маълумотларни қулай тарзда тақдим қилиш имкониятини беради.




1-расм. Алгоритмлар назарияси фани бўйича дастурий-методик мажмуанинг структураси.

Алгоритмлар назарияси фани бўйича амалий машғулотлар жараёнида масала-мисоллар, вазифа-топшириқларнинг турли кўринишларидан фойдаланилади. Буларга амалий масалалар учун алгоритмлар ишлаб чиқиш, Тьюринг-Пост машиналари учун дастурлар тузиш, Марковнинг нормал алгоритмларига оид топшириқлар бажариш, алгоритмлар таҳлилини амалга ошириш, саралаш, излаш ва бошқа турдаги алгоритмларга оид вазифалар киради. Ушбу амалий топшириқлар моҳияти ва бажарилиш усуллари бири-бирдан принципиал фарқ қилади. Амалий машғулотларнинг асосий вазифаси, назарий материални мустаҳкамлаш, ўзлаштирилган назарий билимларни малака-кўникмаларга айлантириш эканлигини назарда тутган

холда, алгоритмлар назарияси фани бўйича ўқув масалаларини лойиҳалашнинг энтропик ёндашувига асосланган алгоритми ишлаб чиқилди. Шунингдек, амалий машғулотларни юқори савияда ўтказишда ДММ нинг “Алгоритмлар кутубхонаси” деб номланувчи бўлимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ушбу бўлимда фан бўйича ўрганиладиган алгоритмлар тўғрисида маълумотлар матнли, график ва анимацион шаклда берилган. Шу ўринда “Саралаш алгоритмлари” мавзусини ўқитишда ДММ таркибидаги алгоритмлар ишини визуаллаштириб, уларнинг ишини қиёсий таҳлил қилувчи эмулятордан фойдаланиш яхши самара беради. Ушбу илова ҳисоблаш экспериментларини ўтказиш, маълумотларни интерфаол тарзда саралаш, алгоритмлар ишини визуаллаштириш, самарадорлигини аниқлаш ва қиёслашга мўлжалланган.



2-расм. Алгоритмлар назарияси фанини ўқитишда дастурий-методик мажмуа компонентларини қўллаш модели.



3-расм. Алгоритмлар назарияси фанини ўқитиш жараёнини дастурий-методик мажмуа воситасида такомиллаштириш модели.

Алгоритмлар назарияси фанини ўқитишда ахборот технологияларига асосланган ДММ ни қўллаш анъанавий таълимнинг ютуқларидан фойдаланган ҳолда, ўқув материалнинг асосан, ўртача ўзлаштирувчи талабалар даражасига мўлжалланиши, бўш ўзлаштирувчи талабалар билан ишлашда қийинчиликларнинг пайдо бўлиши ва кучли ўзлаштирувчи талабалар қобилиятини ривожлантириш суръатининг пасайиши, ўқитувчи учун ўқитиш мазмуни, методларининг талабалар индивидуал хусусиятларига мослаштиришда қийинчиликларнинг юзага келиши каби камчиликларини бартараф этиш имкониятини беради. Бунда ДММ таркибидаги “Синквейн”, “Кластер”, “Тушунчалар таҳлили”, “Ақлий ҳужум”, “Инсерт”, “Т-схема”, “БББ” каби интерфаол методларни қўллаш бўйича услубий материаллар уларни дарс жараёнида самарали қўллаш имконини беради.

Ушбу бобда таълим жараёнида алоҳида фан бўйича турли форматдаги ўқув-методик материалларни ўзида уйғунлаштирувчи ахборот технологияларига асосланган ДММни қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги, унинг қўйилган педагогик вазифаларни ҳал этишга хизмат қилиб, ҳам таълим берувчи педагог, ҳам таълим олувчи учун мўлжалланган дастурий маҳсулот эканлиги илмий-методик асослаб берилган ҳамда алгоритмлар назарияси фанини ўқитишни такомиллаштиришда ахборот технологияларини қўллашнинг ДММ асосидаги модели тақдим қилинган.

Диссертациянинг **“Алгоритмлар назарияси фанини ўқитишда ахборот технологияларидан фойдаланишнинг самарадорлиги”** деб номланувчи учинчи бобда педагогик тажриба-синов ишларининг ташкил этилиши, ўтказиш жараёни ва таҳлилининг баёни келтирилган. Олий таълим муассасаларида алгоритмлар назарияси фанини ахборот технологияларига асосланган ДММ воситасида ўқитишда таълим самарадорлигини аниқлаш мақсадида тажриба-синов ишларида Термиз давлат университети (ТерДУ), Самарқанд давлат университети (СамДУ), Урганч давлат университети (УрДУ) ва Қорақалпоқ давлат университетлари (ҚҚДУ) катнашди. Педагогик тажриба-синовларнинг шакллантирувчи босқичи ушбу университетларнинг амалий математика ва информатика таълим йўналиши бўйича 348 нафар, информатика ўқитиш методикаси таълим йўналиши бўйича 534 нафар талабалари иштирокида амалга оширилди. Педагогик тажриба уч босқичда олиб борилди: 2013-2014 йиллар тажриба бўйича ўрганувчи босқичи, 2015-2016 йилларда амалга ошириш босқичи, 2017-2020 йиллар шакллантирувчи тажриба босқичи. Биринчи босқичда тадқиқот муаммосининг илмий-назарий, илмий-услубий асослари ўрганилди; тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари аниқланди; тадқиқот объекти ва унинг кўрсаткичлари ҳамда унга мос мезонлар назарий манбалардан таҳлил қилинди; ўқув жараёни самарадорлигини оширувчи электрон ўқув-методик ресурслар яратиш зарурияти илмий-назарий жиҳатдан асосланди, ишчи фаразлар шакллантирилди. Иккинчи босқичда тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари амалга оширилди. Ўқув жараёнида бевосита ахборот технологияларига таянган ҳолда талабалар фаоллигини оширувчи янги талқиндаги ДММ

яратиш режа-лойихаси ва босқичлари ишлаб чиқилди, мажмуанинг таркиби ва дастурий таъминоти яратилди. Алгоритмлар назарияси фанини ўқитишда ўқув жараёни самарадорлигини оширувчи ДММ дан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилди. Учинчи – шакллантирувчи тажриба босқичида, талабаларнинг фанни ўзлаштиришида, уларнинг билим даражасини аниқлашда ва ўқув жараёнининг самарадорлигини орттиришда ДММ нинг афзалликлари баҳоланди. Алгоритмлар назарияси фанини ўқитишда ДММ ва унинг ёрдамида дарс самарадорлигини ошириш бўйича таклиф этилган методикани синовдан ўтказиш ишлари олиб борилди. Ўтказилган педагогик тажриба-синов ишларида алгоритмлар ва алгоритмлар назарияси фанларини ДММ ёрдамида ўқитиш бўйича натижалар умумлаштирилди, хулосалар амалий жиҳатдан текшириб кўрилди.

Педагогик тадқиқотларда таклиф этилаётган методиканинг самарадорлиги тажриба-синов ишлари якунида қайд этилган кўрсаткичларни ўзаро қиёслаш орқали асосланди. Натижаларни таҳлил этишга оид математик-статистик методларда илгари сурилаётган методикага асосан, тажриба ва назорат гуруҳлари талабаларининг тажриба якунидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари орасидаги фарқни белгилаш орқали тадқиқот самарадорлигига баҳо берилди. Бунда тадқиқот гипотезаси (H_0) сифатида тажриба ва назорат гуруҳларидаги билим-малакаларни баҳолаш бўйича кутилаётган эҳтимоллик тенг деб, муқобил гипотезада (H_1) эса тенг эмас деб олинди. Тавсия этилаётган методиканинг самарали эканлигини тасдиқлаш мақсадида ўртача ўзлаштириш кўрсаткичларининг фарқини баҳолаш учун олинган натижалар Стъудент мезони асосида таҳлил қилинди. Стъудент мезони икки статистик қаторнинг ўртача қийматлари орасидаги фарқнинг аҳамиятлилик даражасини баҳолаш учун қўлланилади.² Мисол сифатида, ТерДУда ўтказилган педагогик тажриба умумий натижаларининг Стъудент мезони бўйича таҳлилин келтирамиз. Статистик таҳлилда Стъудент мезонидан фойдаланишнинг асосий шартларидан бирига кўра, текширилувчи қаторлар нормал тақсимланган бўлиши керак.³ Статистик қаторларни нормал тақсимланганликка текширишнинг Е.И. Пустыльников усулидан фойдаланамиз.⁴ Бу усулга кўра, статистик қатор нормал тақсимланган бўлади, қачонки, қуйидаги шартлар бажарилса: $A_{эмп} < A_{крит}$ ва $E_{эмп} < E_{крит}$. Бу ерда A ва E орқали мос равишда статистик қаторлар ассиметрияси ва эксцессининг эмпирик ва критик қийматлари белгиланган. Ушбу катталикларни ҳисоблаш учун текширилувчи қаторларнинг ўртача қиймати ва дисперсиясини топиш талаб этилади. Амалий математика ва информатика таълим йўналишига тааллуқли тажриба ва назорат гуруҳлари натижаларини статистик қаторлар кўринишида ифодаласак, қуйидагиларга эга бўламиз:

² Афанасьев В. В., Сивов М. А. Математическая статистика в педагогике. Ярославль, Из-во ЯГПУ, 2010, С. 41-44.

³ Нужнова С. В. Применение статистических методов в психолого – педагогических исследованиях: Учебное пособие - Троицкий филиал ГОУ ВПО “ЧелГУ”- Троицк, 2005. С. 64.

⁴ Нужнова С. В. Применение статистических методов в психолого – педагогических исследованиях: Учебное пособие - Троицкий филиал ГОУ ВПО “ЧелГУ”- Троицк, 2005. С. 37-39.

$x_i: 14, 13, 17; y_i: 3, 16, 29; n_1 = 44; n_2 = 48$ (1-жадвал), бу қаторларнинг ўртача қийматлари ва дисперсиялари қуйидагига тенг⁵ бўлади:

$$\bar{x} = 3,93; \bar{y} = 3,46; D_x = \frac{\sum_{i=1}^L (x_i - \bar{x})^2 m_i}{N} = 0,70; D_y = \frac{\sum_{i=1}^L (y_i - \bar{y})^2 m_i}{N} = 0,37.$$

Навбатдаги қадамда қаторлар ассиметрияси ва эксцессининг эмпирик ва критик қийматлари ҳисобланиб, уларнинг нормал тақсимланган эканлиги текширилади. Тажриба гуруҳи учун ушбу қийматлар қуйидагига тенг:

$$A_{\text{эмп}T} = \frac{\sum (x_i - \bar{x})^3 m_i}{n\sqrt{D}^3} \approx 0,13; \quad A_{\text{крит}T} = 3 \sqrt{\frac{6(n-1)}{(n+1)(n+3)}} \approx 1,05;$$

$$E_{\text{эмп}T} = \frac{\sum (x_i - \bar{x})^4 m_i}{nD^2} - 3 \approx -1,5; \quad E_{\text{крит}T} = 5 \sqrt{\frac{24(n-1)(n-2)(n-3)}{(n+1)^2(n+3)(n+5)}} \approx 3,1$$

Бунда $x_i(y_i), \bar{x}(\bar{y}), m_i, D, n$ лар мос равишда қатордаги мавжуд элементлар (3,4,5 баҳолар), қатор элементлари ўртача қиймати, қатор элементлари частотаси, дисперсияси ва элементларнинг умумий сони. Худди шу тарзда назорат гуруҳи учун юқоридаги катталиклар ҳисобланганда $A_{\text{эмп}H} \approx 0,98; A_{\text{крит}H} \approx 1; E_{\text{эмп}H} \approx -0,07; E_{\text{крит}H} \approx 3,03$ қийматларга эга бўламиз. Ушбу топилган қийматлардан текширилувчи статистик қаторлар нормал тақсимланган ($0,13 < 1,05; -1,5 < 3,1$ ва $0,98 < 1; -0,07 < 3,03$), деган хулосага келамиз ва Стьюдент мезони бўйича таҳлилни амалга оширамиз. Навбатдаги қадамда Стьюдент мезонининг эмпирик қиймати қуйидаги формула асосида ҳисобланади⁶:

$$T_{\text{эмп}АМИ} = \frac{|\bar{x} - \bar{y}|}{\sqrt{n_1 D_x + n_2 D_y}} \sqrt{\frac{n_1 n_2}{n_1 + n_2} (n_1 + n_2) - 2} \approx 3,08$$

Топилган қийматни Стьюдент мезонининг мос критик қиймати $T_{\text{крит}}(0,05, n_1 + n_2 - 2) = T_{\text{крит}}(0,05, 90) = 1,98^7$ билан солиштирганда, эмпирик қиймат критик қийматдан катта бўлганлиги сабабли ($3,08 > 1,98$) тажриба ва назорат гуруҳлари учун ўзлаштиришнинг ўртача қийматлари орасидаги фарк статистик жиҳатдан аҳамиятга эга деган хулосага келамиз. Бундан, 95% ишончлилик билан тажриба гуруҳларидаги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи назорат гуруҳларидагига нисбатан юқорилиги келиб чиқади.

Тадқиқот натижаларини статистик таҳлил қилишнинг навбатдаги босқичида ўртача ўзлаштириш кўрсаткичларининг ишончлилик интерваллари аниқланди. Педагогикада нормал тақсимланган x тасодикий миқдорнинг σ ўртача квадратик хатолиги маълум бўлган а математик

⁵ Афанасьев В. В., Сивов М. А. Математическая статистика в педагогике. Ярославль, Из-во ЯГПУ, 2010, С. 43.

⁶ Афанасьев В. В., Сивов М. А. Математическая статистика в педагогике. Ярославль, Из-во ЯГПУ, 2010, С. 41-44.

⁷ Граничина О. А. Математико-статистические методы психолого-педагогических исследований. –СПб.: Издательство ВВМ-2012, 115 с.

кутилишини баҳолаш кўпроқ қўлланилади. Бунда ишончлилик оралиғи қуйидагича ифодаланади⁸:

